

ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАР КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИДА АНДРАГОГИК ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ

Холиқова Аюра Абдисатторовна

А.Авлоний номидаги илмий - тадқикот институти магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада малака ошириш жараёнини андрагогик фаолиятли ёндашув асосида ташкил этишнинг асосий йўналишлари, йўллари ва тамойилларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари аниқланган ва илмий асосланган. Шунингдек, инновацион технологияларни қўллаш орқали синергетик ғоялар устунлигига эришиш назарда тутилган.

Калит сўзлар: андрагогик фаолиятли ёндашув, ижодий фаолият, замонавийлик, янгича фикрлаш, илғор педагогик технологиялар, рефлексив таълим технологияси, синергетик ёндашув, фуқаролик жамияти.

Бугунги кунда фаол ўқитиш шакл ва методлари ҳамда мустакил билим олишнинг мавқеи ортиб бормокда. Бу борада ўқитувчиларнинг рефлексив-таҳлилий, лойиҳачилик ҳамда шахсий аҳамиятга эга бўлган кўникмаларини шакллантириш талаб этилади. Шунингдек, педагогларнинг фаолиятли ёндашувида касбга йуналтирилган технологик ва вазиятли бошқариш маданиятини ривожлантириш алоҳида долзарб масаладир. Бундай ёндашув мутахассисларнинг касбий-шахсий ривожланишлари учун қулай шароитларни яратади. Ўқитувчилар ўқув жараёнини самарали бошқаришга эришишлари учун жамияти тараққиётининг объектив қонуниятлари ва тамойилларини билишлари, илғор педагогик тажрибаларга суянишлари, инновацияларни пухта эгаллашлари ва янги ҳодисаларни умумлаштира олишлари керак. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга янгича ёндашиш заруриятининг асосий моҳияти - ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишdir.

Малака оширишда фаолиятли ёндашув жараёни педагог ходимларнинг касбий лаёқатини ривожлантиришга, субъект сифатида ўз фаолиятининг хўжайини бўлишига хизмат қилади.

Педагогик кадрлар малакасини оширишда замонавий таълимнинг андрагогик фаолиятли ёндашув тамойилларига таяниш талаб этилади. Жумладан:

-ўз-ўзини бошқариш асосида ривожланиш тамойили;

-ўз мақсади ва мавқени аниқлаш тамойили;

-ўз фаолиятини рефлексив мустақил ташкил этиш тамойили;

-босқичли, давомли, тизимли, узвийлик ва шаффофлик тамойили;

-дидактик ва инновацион таълимнинг ўзаро мувофиқлиги тамойилига асосланган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, фан асосларини пухта, мукаммал ўзлаштиришга имконият яратади.

Ўқитувчилар фаолиятли ёндашув асосида ўқув жараёнининг мақсадини белгилашда ўқитувчилар куйидагиларни ҳисобга олишлари керак:

- ўқитувчилар томонидан ДТС ва ўқув дастурларининг чуқур таҳлил этилиши орқали ўқув-тарбия жараёнининг мақсадини белгиланиши асосида муҳим педагогик вазифаларни ҳал этиш;

- ўқув-тарбия жараёни олдига қўйилган мақсадларнинг модернизациялаштирилган таълим тизими олдига қўйилган талабларга мувофиқ келиши ва мазкур талаблар асосида ўқувчиларнинг ақлий-интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний-эстетик жиҳатдан ривожланишига эришиш;

- ўқитувчи томонидан ўқув жараёнининг мақсадини пухташакллантириш ва унга эришиш йўлларини аниқ белгилаш;

- ўқув жараёнида ўқувчиларнинг фаол билиш, ўзлаштириш ва мустақил ҳаракат қилиш, муаммоларга ижодий ёндашиш асосида ижобий ҳал этиш;

- ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигини ташкил этишга йўналтирилган мақсадларнинг ўқувчилар учун тушунарли бўлишига эришиш;

- ўқитувчининг фаолиятли ёндашув асосида малакасини оширишжараёни тизимли, изчил, узлуксиз тавсифида бўлиши лозим.

Малака ошириш жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг таълимий эҳтиёжлари, малака даражасини ҳисобга олган ҳолда индивидуал тарзда таълим олиш йуналишларининг белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда янгича, жаҳон андозаларига ҳамоҳанг таълим мазмунини ҳамда малака ошириш борасидаги янгиликларни амалиётта жорий этиш ўз-ўзидан эмас, балки барча педагоглар онги, тажрибаси, ижодий фаолияти орқали амалга ошади. Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантириш, миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтаришда инновациянинг ўрни ҳақида давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев: “Инновация – бу келажак дегани, Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлишимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аник вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”⁶⁹, - деган эди.

Таълим ислоҳоти янгича фикрловчи, интилевчан, ижодкор педагогни шакллантириш вазифасини қўндаланг қилиб қўйди. Малака ошириш жараёнида ҳар бир педагогнинг шахсий сифатлари ва касбий маҳоратини ўз мутахассислиги бўйича энг сўнгги янгиликлар билан бойитиб бориш ва амалиётда қўллаш кўникумларини ривожлантириш, ўқув жараёни ва малака оширишни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Касбий ва педагогик маҳоратни ривожлантиришга доир билим, кўникумларини мунтазам равища янгилашиб бориша ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожланишига имкон берадиган мезонлар : -замонавийлик, маънавий-эстетик дунёқараш, мустақил эркин ижодий фикр, инновацион креативлик, ҳаракат интенсивлиги, фаол фаолият, янгилик, натижавийлик, ижодий қобилият, субъективлик, вариативлик, эрудициявийлик, инновацион йўналганлик,

⁶⁹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.20.

акмеологик, рефлексивлик, технологик-психологик, илмий-назарий, касбий, методик етуклик, конструктивлик, ахборот коммуникативлик ва маданий юксаклик каби йўналишлардан самарали фойдаланиш таълим-тарбия жараёни сифатини таъминлашга ижобий таъсир этади.

Замонавий таълимнинг асосий мақсади жамият ва давлат учун ҳар томонлама ривожланган, жамиятга, меҳнат фаолиятига ижтимоий мослашувчан, ўз устида ишлай оладиган шахни тайёрлашдан иборат. Ҳар томонлама ривожланган шахс тарбиясида педагогларнинг кометентлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Бу борада касбий компетентликни ривожлантирувчи тамойиллар:

- 1.Мунтазамлилик, масалага янгича ёндашиш тамойили
- 2.Концептуал билимларнинг тизимли ва илмий моҳиятининг ортиши тамойили
- 3.Келажакни кўра олиш, башорат қилишнинг етакчилиги тамойили
- 4.Инновацион фаолиятни интенсивлаштириш тамойили
- 5.Таълим муҳитида-ўзгаарувчанлик, динамиклик,узлуксизлик, мослашувчанлик тамойили
- 6.Ўқишиш ва ўрганишнинг янги усулларидан фойдаланиш тамойили ҳар бир ўқитувчининг муваффақиятли ишлашини намоён этади.

Педагогик маҳоратни эгаллашда: -маънавий-ахлоқий маданият, педагогик одобга эга бўлиш, юксак педагогик тафаккур, таълим-тарбия жараёнига онгли ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллаш, янгиликлардан хабардор бўлиш, мустақил ўқишиш, илғор технологияларни ўзлаштириш, илғор иш тажрибаларни ўрганиш, замонавий инновацион тараққиёт моҳиятини англаш, инновацион технологиялар ва тамойилларни қўллай олиш, ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ижодкорлик ва инновацион фаолиятга амал қилиш орқали синергетик ёндашув - янги ғоялар устунлигига эришилади. Шунга алоҳида эътибор бериш жоизки, рефлексиф таълим технологияси ўқитувчининг бутун ўқув-билиш фаолияти асосини ташкил этади. Бу ўз ўрнида ўз-ўзини ташхис этиш, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштиришга хизмат қиласди. Рефлексиф технологияни қўллаш натижасида ўқитувчининг ўз билими ва ҳаракатларини англашга ёрдам беради.

Аниқ мезонлар асосида ўз-ўзини баҳолайди. Ушбу таълим технологиянинг йўналтириш босқичида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўз-ўзига берган рефлексив саволлари мавжуд бўлади. Хусусан:

-мен нимани билмоқчиман?

-менга бу билимлар нима учун керак?

-мен нега бу ишни бажаришни хоҳляяпман?

-мен нимани бажаришни ўрганишим керак ва қандай мақсадда?

-билиш учун нима қилишим керак?

-қандай кетма-кетликда бажариш керак. Нима учун?

-нимани ўзгартириш керак? Нима учун?

-янгиликдан нимани билиб олдим? Бу билимлар нега керак?

-мақсадга эришилдими? Йўқми?

-вазифани ҳал этишда қандай қийинчиликлар бўлди?

-малака ошириш жараёнида касбий маҳорат қай даражада ошди?

-замонавий таълим мазмунига оид билимларни олдимми?

-таълим соҳасида ҳозирги замон талабларини билдимми? ва ҳоказо.

Таълимнинг инновацион янги усулларида: - модификациялашган таълим тингловчилар билан мулоқот тарзда олиб борилади. Бунда тингловчи фаол ижодий ишлайди. Мавзу тингловчилар ҳамкорлигига таҳлил этилади. Имправизация усулида эса тингловчилар савол ва топшириқларнинг жавобини тушунтириб беришлари асосида ўз шахсий фикр ва дунёқарашига эга бўладилар. Муаммоли вазият усулида ҳаётий воқеа-ҳодисалардаги муаммоли ҳолатлардан мисоллар келтирилади. Шу тариқа ўқитувчи инновацион фаолиятни амалга оширишда аввало унга бўлган заруратни англайди. Энг муҳими, қатъият, ишонч ва масъулият билан инновацион фаолиятга мослашади, ваянгиликларни идрок этади ва янгича ҳаракат қилишга одатланади. Ана шунда ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятида кафолатланган натижа олиш имконияти мавжуд бўлади. Бунда ўқитувчи инновацион фаолиятининг мунтазамлилиги ва ривожланувчи тавсифга эгалиги

таъминланади. Таълим жараёнида ўқитувчи фаолиятини узлуксиз янгилаш ва барқарорлаштиришга интилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига мурожаати 19.03.2020
2. Мирзиёев Ш.М. Юксак таърифларга муносаб замин Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.: “Ўзбекистон”, 2017.